

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

— 2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —

Ассалому алайкум, азиз муштари!

ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 марта чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 17 октябр № 37 (8433)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Саноат ишлаб чиқаришида хомашё узлуксизлигини таъминлаш бўйича кўшимча қулайликларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишили ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 октябр куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор иғилиши ўтказилди.

"ПАХТА ШТАБИ" ХАБАР ҚИЛАДИ



Қўёшли кунлар ортда қолиб, кузнинг инжиқликлари ҳам бошланди. Аммо далаларда ҳали ҳосил бор. Уларни увол қилмай йигиштириб олиш ҳар бир фермер хўжалиги аъзолари, йигим-теримда иштирок этажтан уюшмаган аҳоли вакилларининг виждан ишига айланмоғи даркор. Ахир ҳар чаноқдаги пахта ризқимизнинг бир бўлаги. Истрофа йўл қўйиш ношукурлик билан тенгdir.

"Пахта штаби" бошлиғи Шукрулло Собировнинг маълум килишича, туманинг фермерлари 17 октябрчагача шартномадаги пахта ҳосилининг 93 фоизини сотдилар. Довондан ошган фермерлар сони 85 тага етди. "Т. Бобоев-Ҷўгорали", "Қорақушчи-Отабоев", "А. Алигавҳаров-Лангар", улар ортидан "Ғиштмон-Чимкент" машина-трактор парклари хизмат кўрсатётган фермер хўжаликлари кластер хирмонига шартномада кўзда тутилган ҳосилни топшириб, режани ўринлатиб қўйдилар ёки бажариш арафасида турибдилар.

Режани бажариш марднинг иши, истрофи қадриятимизга зид, дейдилар. Фермер хўжаликлари аъзолари, маҳаллаларнинг уюшмаган вакиллари!

Қўштепани ҳам мард-у майдонлар қаторига чиқаришга, пахта ҳосили истроф бўлишининг олдини олишга бор кучимизни сафарбар этайлик!



Кишлоқ аёли, уй бекасими, касб-кор, ҳунар эгасими, кўёшдан эрта уйғониб, меҳнатга пешвоз чиқади. Балки шунинг учун ҳам Яратган Эгам уни саҳархезлик фазилати билан сийлагандир. Балки шунинг учун ҳам унинг ишида унум бордир. Эҳ-хе, нозиккина жуссасида турмушнинг қанча-қанча "юқ"ларини кўтармайди дейсиз қишлоқ аёли: фарзанд тарбияси, уй-рўзгор юмушлари, томорқа ишлари, кўймол, парранда парвариши... ҳамма-ҳаммасига улгуради. Айни пайдада муллами, шифокор, чевар, иқтисодчи, фаррош... сифатида эл-юрт тараққиётiga, ободликка хисса кўшади. Замона чақириғига "лаббай" дея майдонга чиқиб, улар фермерлиқда, тадбиркорлиқда, ҳунармандчиликда ўз ўрнини топа оляпти, эрқаклар билан бир қаторда юзлаб иш ўринлари яраттилар. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аёлидаги меҳнаткашлик, самимиятга ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзиди. Шу маънода Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2007 йили таъсис этган қишлоқ аёллари кунининг мамлакатимизда ҳам нишонланиши меҳнаткаш бу қатлам эъзозининг ўзига хос намошии бўлди.

Утган шанба куни туманингиздаги энг гўзал "Истиқлол" маданият марказида санага бағишиланган тантана бўлиб ўтди. Бу ерга туманинг барча соҳаларида меҳнат қилган

ва қилаётган аёлларнинг вакиллари таклиф этилдилар. Улар орасида фаррошдан тортиб томорқачилар, муллами-ю, шифокорлар, тадбиркор-у, ҳунармандлар, дехқонлар-у, маҳалла фоаллари кўзга ташланади. Уларнинг юз-қўзларида бу эъзоз-у, эътибордан мамнуният акс этади.

Дастлаб сўз туман ҳокими Илёсбек Новиковга берилади. Ҳоким бу ерда иштирок этажтанлар, улар орқали барча қишлоқ аёлларини сана билан табриклиб, меҳнаткаш шу тоифа тифайли қишлоқда турмуш даражаси тобора кўтирилиб бораётгани, томорқаларимиз, маҳаллаларимиз гуллаб-яшнаётгани ҳақида сўзлади. Пировардида барча соҳанинг энг фидойиларига ҳоким ҳамда сектор раҳбарлари туман ҳокимлигининг "Фахрий ёрлиқ"лари ва эсадлик совғаларини топширдилар.

Туман тараққиётiga узоқ йиллар муносиб ҳисса кўшган маҳалланинг собиқ раиси Насибаҳон Топволдиева, фермер Зиёдаҳон Акрамова, муллами Лолаҳон Эргашева, шифокор Мохираҳон Раҳимова, ички ишлар ходими Дилдораҳон Ваҳобова, тадбиркор Мавлудаҳон Йўлдошева, пиллакор Ибодатхон Султонова, банк ходими Ойгул Юнусова, фаррош Матлубаҳон Юсупова сингари 25 нафар аёл бор. Дубайда ўтган паралимпия

ўйинларида енгил атлетиканинг диск улоқтириш йўналишида олтин медални қўлга киритиб, туман номини шарафлаган қишлоқ қизи Мунираҳон Нематованинг иродасига тан бермай бўладими?! Даврада унинг матонати ва салоҳияти ҳақида туман ҳокимининг маслаҳатчиси Муҳаббатхон Мўйдинова алоҳида эҳтирос билан сўзлади.

Кўёшдан эрта уйғонадиган, озиқ-овқат ҳавфисизлигини таъминлашга ҳисса кўшаётган, Мунираҳондек қўзларни, ўқтам йигитларни улғайтираётганлар сафида мардана одимлаётган туманимиз қишлоқ аёлларини туман ҳокимининг ўринбосари Дилзодаҳон Олимова, вилоят "Оқила аёллар ҳаракати" аъзоси Хадиҷаҳон Каримова мамлакатимизда биринчи бор нишонланаётган сана муносабати билан табриклиб, уларга мустаҳкам саломатлик, Ватан тараққиётни, юрт ободлигига янада фидойилик тиладилар.

Туманинг санъаткорларининг дилтортар, шўхчан куй-қўшиқларига аёллар рақс тушиб, губорларини ёзиши ва даврадан унтуилмас таассурлар билан қайтишиди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
Суратда: туманинг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қиласига аёлларида бир гурӯҳи. Бахтиёржон РУЗИОХУНОВ олган сурат.

УШБУ **(2)** * "Тил-миллат қалби
* Мангуликка лойиқсан
* Она тилим

СОНДА:

(3) * Бу ўткинчи дунёнинг ҳаловати
* Ҳуқуқшунос нима дейди?
* Жаҳон айонида

(4) * Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Иксодга меҳр уйғотиб...

Илҳом

МАНГУЛИККА
ЛОЙИҚСАН

Зийнатим – туркӣ тилим,
Тийнатим, кўрким – тилим,
Ҳазойин ул-маоний –
Бебаҳо мулким – тилим.

Ўрхун-Энасой тоши –
Тарихингга хатбоши.
Чўкиб ётган битиклар,
Айт, кимларнинг кўз ёши?

"Девону лугот ат - турк",
Ҳикмат – "Қутадғу биллик"
Сени асраб-авайлаб
Улгайтирган тол бешик.

Сен – қарлук, қипчоқ, ўғиз,
Ҳар шева – томли магиз.
Сенсиз "Гўрўғли" қайдा?
"Алломиши" қайдা Сенсиз?

Навоийми ё Бобур, –
Вазнларда ўйнар нур.
Бунда ҳар байт ортида
Чин тафаккур уйғонур.

Гоҳо сиғмай қоғозга,
Нидоларда яшадинг.
Юракларнинг кафтида –
Дуоларда яшадинг.

О, менинг мозий тилим,
Сернаво созли тилим,
Курашларда тобланган
Сарбаланд ғозий тилим.

Токи миллат бор экан,
Сен унга зеб, ёрлиқсан.
Кўк қадар қадринг билан
Мангуликка лойиқсан.

Инобат РИЗАЕВА.

ОНА ТИЛИМ

Қачон сени танигандим,
Қачон дилга меҳринг тушиб?
Сара сўзлар илинганим,
Қанот бердинг, кўкка учдим.

Она тилим, Сен онамнинг
Алласидан сингиган нур.
Она тилим – ҳар одамни
Ўйғотгувчи миллий ғурур.

Гарчи нўноқ шоир ўзим,
Қудратингга таърифим ўқ.
Аммо Сен бор ёруғ сўзим,
Ҳар сатримда ёнади чўғ.

Забонимга берган чирой,
Минг жилодир муҳаббатина.
Сирли, лекин дунёда бой
Неча ишлек Урхун хатинг.

Тилим бийрон қилган калом,
Ахир Сенсиз ким эдим, ким?
Туғилмасдан бўлгандим ром
Она тилим!..

Мунира ҚўҚНОВА,
2-иҳтинослаштирилган мактаб-
интернатининг ижодий-маданий
масалалар бўйича тарғиботчиси.

Публицист ўйлари

Ўзбекистон халқ ёзувлари Үткір Ҳошимов эллик ишлек кузатувлари маҳсулни бўлган "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"идаги "Қанча кўп тилни билсангиз, шунчак яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қиласди, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди..." дега ёзганлари одамни мушоҳадага чорлайди. Ҳақиқатан ҳар қандай олим-у, фузало ҳам, қайси миллат вакили бўлмасин, ёзажак ишини даставал ўз она тилида мушоҳада қиласди, таҳлил этади, кейин хоҳлаган тилида қоғозга туширади. Ахир она тили унинг қонига ота-онадан, аждодларидан ўтган-ку!

(Такрорий)

ТИЛ-МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Қулоқ тутдингизми, у нималардан мамнун-у,
нималардан маҳзун экан?

Яқинда бир қадрдонимизнинг гапи вужудимни титратиб юборди: "Набиррамнинг тили русча чиқди, десам ўзимга ҳам эриш туюляпти, –дейди у ҳайратини яшиrolмай. –Ўйимизда ҳечким рустилида муллоқот қилмайди. Нега ундаи бўлиши керак?! Биз, хонадон эгалари қаерда хато қилдик экан, деган савол мени қийнаяпти. Уч яшар қизчага "папа, мама" эмас, "дада, ая" дегин деб ўқтириб бўлмаяпти. Бошқа гапларини ҳам онасига рус тилида тушунтиришга интилаётганига ажабланяпман. Нима қисқа бўларкин?"

Суриштириб билдики, бола энди тили чиқаётган пайтда планшет орқали мултфилмлар қўйиб беришни талаб қилган. Она ҳам хархашасидан тўйиб, "Маша ва айик" мултфилмининг рус тилидагисини топиб бераверган. Бола ҳамиша уни кўриш билан банд, она эса қизалоги тинч ўтирганида уй юмушларини бажариб олаётганидан хурсанд бўлаверган. Юзаки қараганда, оддий ҳолатдек туюлган вазиятда она катта хато қилаётганини ўйлаб ҳам кўймаган.

Қадрдонимизга қизалоқнинг тилини ўзбекчалаб олиш учун уни боғчага бериш, болажонлар билан мулоқотда бўлиши учун имконият яратиш, тарбиясидан эътибор бериб туришини илтимос қилиш зарурлигини, имкони борича мултфилмларни ҳар доим эмас, кам-кам ўзбек тилидагисини кўрсатишини маслаҳат берамиз.

Бола-ку катталарнинг ўйлаб иш ўритмаслиги оқибатида шундай вазиятга рўбаро қилинибди. Ҳали у гўдак, хатони тузатиб олиш кўп вақт талаб қилмас. Аммо ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўтказиб ўйлардан ўтган бўлишига қарамай, ҳамон тилимиздаги қусурлардан ҳолос бўла олмаётганимиз ҳам бор ҳақиқат.

Газеталарда Президент сайловини ўтказувчи Марказий, округ, участка сайлов комиссиялари таркиблари эълон қилинди. Рўйхатларни кузатган одам ҳазрати инсонларга даҳлдор исм, фамилия ва шарифлардаги хатоларни кузатиб таажжуланмай қолмайди. "Юлдашев", Низомходжаев", "Ататжанова", "Джўраев", "Шовкатжон", "Мухаббат" ва ҳоказо.

Қизик, умр бўйи одамга ҳамроҳ бўладиган, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга ҳам шу қадар беписанд муносабатда бўлинадими? Ахир ўзбек тилимизга давлат тили мақомини берган қонунда бундай хатоларни тузатиб олишга изн берилган эди-ку! Фарзандингизга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олишда мутасаддилардан ҳужжат ўзбек тили қоидаларига риоя этилган ҳолда ёзилишини талаб қилиш ҳам сизнинг ҳуқуқингиз эканлигини унутмасангиж яхши бўларди.

Илгарилари аксарият ҳолларда русийзабон мутасаддилар исм-ша-

рифларни ўз тили талаффузи асосида бузиб ёзганлар. Ҳозир-чи? Нега бундай масъулиятли вазифада фаолият юритаётгандардан ўзбек тили қоидалари асосида иш юритиш талаб этилмайди?! Ислам, шариф ва отасининг исмини ёзишда икки, уч, ҳатто тўрт-бештадан хатоларни учратишига шу қадар кўнишиб кетилдики, ўзбек тилига бундай беписанд ёндашув оддий ҳолатга айланаб қолди.

Оилавий, миллий қадриятларни тиклаш ва жойига кўйиш ҳақида турли минбарлардан туриб бот-бот жон куйдириб гапирилади. Аммо бўлаётган жараёнлар гап бошқа-ю амалда иш бошқа эканлигини кўрсатиб туриби. Айтайлик, руслаштириш тизимидан чиқиб кетилганига 30 йилдан ўтибди ҳамки, айниқса, муомала-муносабатларда руслардан кириб, мустаҳкам ўрнашиб олган одатларни тарқ эта олмаяпмиз: расмий идораларда "фалончи фалончиевич" ёки "фалончи фалончиевна" қабилидаги муносабатлар камайиш ўрнига бардамалаб боряпти, десак хато бўлмас.

Яқинда ҳаддимиз сиқкан бир амалдорга "...вич...вич"лардан қаҷон хаолос бўламиз, шу одамга ўзбекона исмларини айтиб, мурожаат қила-версангиз бўлмайдими, ахир сиздан ёш-ку" десам, "хурматизлик бўлади-да" дейди. Ўзбекона хурматни қаҷонгача руслашган одатлар билан ўлчаймиз?! Бу одатлардан ўтиз ўйлар аввал воз кечиб юбориши керак эмасми?! Ахир ўзимизнинг тилимизда ҳам ёши улуғ, тажрибали кишиларга "устоз", тенг-қурларга "биродари азиз", "дўстим", амалдорларга "ҳоким буво", "бошлиқ жаноблари" сингари гўзал атамаларимиз бор-ку! Ёки оддийгина қилиб "фалончи ака", "фалончи опа", "ука", "синглим" дея муносабатга киришишнинг нимаси хурматизлик!!! Янада ачинарлиси, миллий кино ва сериаллар орқали бу муносабат ёшларнинг онига шу қадар сингдирилпаки, кейинги йилларда яратилган кинофильмлар персонажларининг муомала-муносабатларида "...вич", "...евна"-лар урчигандан-урчиб боряпти. Булар, албатта, ўзбекча одат ва қадриятларимизга соя ташламай қолмайди. Аммо миллий қадриятлар бардавомлиги ва ўзбек тили тақдирига даҳлдор мутасадди идоралар масъуллари тегишили таъсир ўтказа олмаётгани ачинарлиди. Ахир бу борада бутун бир Департамент фаолият юритиб туриби-ку!

Ҳазрат Навоий асос солган тил дунё минбарларида янграётган, риложланган мамлакатларда ҳам унга қизиқиши ортиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз миқёсида ахборот воситалари—хусусий телеканаллар, ижтимоий тармоқларда миллатдошларимизнинг ўзлари бу неъматга ўта беписанд муносабатда бўлаёт-

ганлари ачинтиради одамни. Миллионлар томоша қилаётгандар кўрсатувларда ўзбекча-русчани арапаштириб сўзлаш, ҳар икки тилга ҳам ўта хурматизликдир. Ижтимоий тармоқларнинг қайси бирини кузатманг, саводсизларча жумлалар, сўзларга дуч келасиз. Тобора бардамалаб бораётган бу иллатларга қарши бонг урадиганлар борми, дега хунобинг ортади одамнинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 2022 йил 20 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратади" тўғрисида"ги Фармони билан "2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси" тасдиқланганидан хабардормиз. Унда дастлаб 2020-2022 йилларда концепцияни амалга ошириш дастури ва кейинги ўн йил учун асосий йўналишлари белгилаб олинган. Тил тараққиёти ва соғлигини сақлаш, уни бойитиб бориш, аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, таълимнинг барча тизимлари, телерадиоканаллар, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш Департаменти, вазирлик ва идоралар олдида турган вазифалар аниқ-тиниқ белгилаб беришган.

Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг амал қилиши, Президентнинг давлат тилига даҳлдор фармонлари ижроси, бошқа миллат ва элатлар тилларни хурмат қилган ҳолда, жамоат назоратига кўп жихатдан боғлиқдир. Модомики, бу ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар бутун ҳалқимизнинг манфаати, ҳалқаро нуфузи учун хизмат қиларкан, нима учун жамоат уни назоратига олмаслиги керак?! Нафсиламрини айтганда, қаҷонлардир камситилган, таҳқирланган тилимиз Истиқлол шароғатидан қаддини тиклаган, жаҳон айвонида бўй кўрсатиётган, давлатимиз раҳбарни, ҳуқуматимиз ўнинг ривожи учун имкониятлар эшигини очиб бераётган экан, айрим миллатдошларимиз унинг бузиб талқин қилинишининг бевосита иштирокчиси бўлиб қолишига қаҷонгача томошабин бўламиз?!

Тилда миллатнинг қалби, маънавияти акс этади, дейишларида улуғ ҳикмат бор. Азизим, қалбингизга кулоқ тутинг, у нималардан мамнун-у, нималардан маҳзун экан? Ажодларимиздан қолган энг ноёб меросимиз, боримиз-у, оримиз, мавжудлигимиз, бутун ҳаётимиз ва фаолиятимиз асоси бўлган, бошқа миллат вакиллари ҳам ўрганаётган, хорижда тобора қизиқиши ортиб бораётган бу муқаддас неъматимиз соғлигини асрой оляпмизми? Ҳулоса чиқариш ўзингиздан.

Хадичахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

Аллоҳ таолонинг бандаларига марҳамати чексиз ва У Зотнинг неъматлари сонсаноқсизdir. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади: “Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир” (Нахъл сураси 18-оят). Оила қуриб яшаш ҳам Аллоҳ таолонинг соглом зурриётларни кўпайтириш йўлидаги энг улуғ неъматларидан биридир.

Шариатимизга кўра ака-ука ва опа-сингиллар ўзаро куда бўлишларига йўл бор. Аммо баъзи уламолар қариндошлар ўртасидаги никоҳни жоиз, деб билсаларда, имкон қадар беноналардан уйланишга тарғиб қилганлар. Буларнинг бошида Ҳазрати Умар розияллоҳу анху зикр қилинадилар. Ибн Ҳажар Асқалоний раҳима-хўллоҳ “Ат-Талхисул-ҳабиъир” номли китобларида келтиришича, Ҳазрати Умар розияллоҳу анху фақат яқин қариндошлари билан қудандан бўладиган Бани Соибга қарата: “Нега сизлар жуда нимжон ва заифлашиб кетгансизлар? Бўлди энди, бундан кейин заифхол бўлмас-

лигиниз учун никоҳда бегоналардан олинглар!” –деганлар.

Бундан ташқари Имом Абу Ҳомид Газзолий раҳима-хўллоҳ қариндошлар ўртасидаги никоҳда беноналардан фарқли ўлароқ ийманиш, тортиниш ва ҳаё кучли бўлишини таъкидлаганлар. Бу эса ўртадаги муҳаббатга тўсиқ бў-

килган. Бу–оилада эркакнинг масъуллигига ишора! Ана шу раҳбарлик вазифасини суистеъмол этиб, уни ожизаларга зулм айлашга восита қилиб олмаслик керак. Мўмин-мусулмон акукаларимизни динимизнинг оила мавзусидаги буйруқларига амал қилиш, олижаноблик ва мардлик билан иш

маслиги аниқ.

Катта орзу-ҳаваслар билан никоҳланган ёшларнинг ўталарида бироз вақт ўтгач, тушумовчилик ҳам бўлиб турди. Аллоҳ таоло бундай кишиларга танбех беруб шундай дейди: “...улар (билан тутув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсалингиз, (билиб қўйингки,) балким

Колверса, унинг хулқини ўнглаш, тўғри йўлга бошлида ҳам ажр-савоб бор. Бу борада Пайғамбаримиз алайҳисалом шундай дейдилар: “Мўмин мўминани ёмон кўрмасин, агар унинг бир хулқини хуш кўрмаса, бошқасидан рози бўлади” (Имом Муслим ривояти).

Ҳақиқатан ҳам мукаммал эр ёки мукаммал хотинни топиш амри маҳол. Чунки ҳаммада ҳам оздир-кўпдир камчилик бўлади: беайб– Парвардигор! Эр аёлининг камчиликларини унинг яхшиликлари эвазига кечириши, баъзиларидан кўз юмиши лозим. Эрга итоатгўйлик ҳам аёл учун энг олий фазилат. Бундай аёллар икки дунё саодатига мушарраф бўладилар.

Бу ўткинчи дунёнига ҳаловат топадиган, ибратли, соғлом оиласида, ўғил-қизлар даврасида, ҳам дунёвий, ҳам диний мукаммаллиқда яшаб ўтганга нима етсин! Унутмайлик, қўйдичиқдилар ортидан Аллоҳ берган фарзандларни тирик етимлик гирдобига отганлар ҳеч қачон ёриб-ялчиб кетмаган.

Қаҳрамонжон ПАРПИЕВ,
“Эшонгузар” жоме мачити
имом хатиби.

Уламо минбари

БУ ЎТКИНЧИ ДУНЁНИГ ҲАЛОВАТИ

СОҒЛОМ ВА МУКАММАЛ ОИЛАДАДИР

ладиган нарсадир. Ҳозирги кунда тиббиёт мутахассислари яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ кўпаяётгани, бу эса энг аввало биринчисида бўлмаса, кейинги авлодларда нуқсонли туғилишлар кузатиляётганини, қолаверса, қариндош-урӯғчиллик ришталари га ҳам зарба бераётганини айтмоқдалар. Бу ҳолатни ўзимиз ҳам бот-бот кузатмоқдамиз.

Аллоҳ таоло буюк каломида оила масалаларида аксар ўринларда эркакларга хитоб

тутишга чакирамиз. Зоро, оиланинг мустаҳкамлиги эрхотиннинг ҳам диний, ҳам дунёвий ҳақ-хуқуқ ва мажбуриятларига амал қилишларига боғлиқдир.

Албатта, оила ўзаро ҳурмат ва муҳаббат устига қурилади. Шунда эр-хотин яхши ва ёмон кунларда бир-бирига суюнчиқ, ҳамдard ва ёрдамчи бўла олади. Агар оилалар аввалдан никоҳ орқасидан бойликка, обрўга эга бўлиш ва ҳоказо ғаразли мақсадлар билан қурилса, узоққа бор-

сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин” (Нисо сураси 19-оят).

Аллоҳ таоло аёлларга чиройли муомала қилишга буюромоқда. Фаҳшга юрмаган, итоатсизлик қилмаган аёлни бирор сабаб: (хунуклик, ёмон феъллилик) туфайли хуш кўрмаган эркакларга ояти каримада сабрли бўлиш тавсия қилинмоқда. Шоядки, Аллоҳ бу оила риштаси орқали уларга яхшиликлар, хусусан, солиҳ фарзандлар ато этса.

Хуқуқшунос нима дейди?

Нотариуснинг асосий вазифаси жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган хужжатлар кўчирима нусхаларининг ва хужжатлардан олинган кўчирималарнинг тўғрилигини шаҳодатлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 65-моддасига кўра, у юридик аҳамиятга эга бўлган ва мазмун жиҳатдан қонунга зид бўлмаган хужжатлардан олинган нусха ва кўчирималарнинг аслига тўғрилигини шаҳодатлайди. Албатта, бунда нотариус ёки нотариал ҳаракатни

такдим этиб, асли уйида эканлиги, асли бўлғанлиги учун ҳам ундан фотонусха олинганинги вож қилиб, шаҳодатлаб беришни сўрайдилар. Бу нотўри, нотариус ҳар қандай вазиятда ҳам хужжатнинг аслини талаб қилиши лозим. Чунки, нотариал шаҳодатлантирилаётган хужжатнинг нусхаси унинг асли каби бир хил юридик кучга эгадир.

Хужжатнинг аслида тузатиш киритилган, ўчирилган, қайта ёзилган ёзувлар аниқланганда, нотариал ҳаракатни бажариш қонунга зид бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон

нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилган бўлса ёки хужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган бўлса шаҳодатлайди. Кейинги ҳолатда хужжатнинг нусхаси мазкур юридик шахснинг иш қоғозида баён этилган, муҳр босиб тасдиқланган ва унда шу хужжатнинг асли мазкур корхона, муассаса, ташкилотда эканлиги ёзилган бўлиши керак.

Амалиётда кўпинча аслига тўғрилиги нотариал гувоҳлантириб

JAHON AYVONIDA

ИТАЛИЯ ФУҚАРОЛАРИНИ
УКРАИННИ ТАРК
ЭТИШГА ЧАҚИРДИ



Италия ташки ишлар вазирлиги Киевга ракета хужумлари ўютирилаётган бир шароитда фуқароларига Украянани тарк этишини тавсия қилади, деб хабар бермоқда ташки сиёсат идорасининг инқирозлар маркази.

Феврал ойидан бўён илк бор ТИВ Украянада бўлиб турган италияликларга мамлакатни тарк этишини сўраб мурожаат қилмоқда.

ГОНКОНГДА РОССИЯЛИКЛАР УЧУН БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛМАЯПТИ



Фарб давлатларининг РФга санкциялар жорий қилиши шароитида россиялик бизнесменлар Гонконгда банк амалиётларини амалга оширишда кийинчиликларга дуч келмоқда. HSBC ҳалқаро банклар гурухи эса россиялик мижозлари учун шаҳарда инвестицион хизматларни кўрсатишни тўхтатганини эълон қилди, деб ёзмоқда South China Morning Post газетаси маңбаларга таяниб.

ҲУЖЖАТЛАРДА ҲАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАС!

Ҳозирги кунда бирон-бир жараённи расмийлаштириш масаласида нотариал идорага мурожаат қилмаган фуқаро деярли топилмаса керак. Бинобарин, нотариус томонидан тасдиқланган хужжат кейинчалик инсон тақдирига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Унинг зиммасидаги масъулият жуда катта ва шунга кўра, ҳатога йўл қўйиши асло мумкин эмас. Шундай экан, мазкур фаолиятга доир тартиб-қоидаларни ҳар иккала тараф ҳам яхши билса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

бажарувчи шахс гувоҳлантириш талаб қилинаётган хужжатнинг аслини кўриши шарт. Хужжатнинг асли унинг нусхаси билан бирма-бир тақъослаб кўрилиб, тўғрилиги текширилади.

Агарда хужжатнинг асли қонун талабига зид бўлса, нотариус бундай хужжатларни гувоҳлантиришдан бош тортиши лозим. Жумладан: шаҳодатланиши керак бўлган хужжатнинг аслида ўчириб, қириб ёзилган кўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган, изоҳ берилмаган бошқа тузатишлар бўлса, шунингдек, хужжат қаламда ёзилган бўлса бундай хужжатлар “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси талабидан келиб чиқиб, гувоҳлантирилмаслиги керак.

Ҳозирги кунда техника ривожланганлиги сабаб ушбу соҳада ҳам иш юритишида анча қулийлик яратилди – энди мутахассис хужжатнинг матнини кўчириш ўрнига унинг фотонусхасини аслига тўғрилигини шаҳодатламоқда. Аммо кўп ҳолатларда фуқароларимиз хужжатнинг фотонусхасини

Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддаси талабидан келиб чиқиб, рад этилмоғи лозим. Шунингдек, хужжатнинг асли шубҳа туғдирса, нотариус уни тасдиқлашдан бош тортиб, экспертиза тайинлаши лозим. Экспертиза хulosасини олиб, шубҳалар бартараф этилгандан сўнгина, хужжатнинг нусхаси аслига тўғрилигини нотариал гувоҳлантириши мумкин.

Шахсни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган хужжатлар, масалан, фуқаронинг паспорти (идентификация ID-картаси) ёки шахснинг тасдиқловчи бошқа хужжатларининг нусхаси шаҳодатлантирилмайди, халқаро шартномаларда шаҳодатлантириши талаб қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Нотариуслар хужжатдан олинган нусханинг аслига тўғрилигини гувоҳлантириш билан бирга хужжатнинг нусхаси ҳам тўғрилигини нотариал шаҳодатлантиришлари мумкин. Бундай ҳолларда унинг тўғрилигини нотариуслар башарти аввали

бериш талаб қилинаётган хужжатлар бир неча саҳифалардан иборат бўллади. Масалан, ташкил этилаётган юридик шахсларнинг Низомлари бир неча саҳифани ташкил этади. Бундай ҳолларда нотариус саҳифаларни ракамлайди, ип ўтказиб тикилган саҳифаларнинг сони нотариал идорасининг герблри муҳри қўйилган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланади. Хужжатдаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизик тортиб қўйилади. Чет элда амал қиладиган хужжатлар бундан мустасно.

Биз, нотариусларнинг қонунни пухта билишимиз ва риоя қилишимиз касбий бурч тақозосидир. Фуқаролар эса қонуний талблар ҳамда ўз ҳуқуқларига эътиборли бўлишлари жуда муҳим. Шундагина нотариал тасдиқланиб, узоқ муддат архивларда сақланадиган хужжатлар хатолардан ҳоли ва қадр-қимматга эга бўлади.

Отабек БЎТАЕВ,
туман нотариуси

Расулуллоҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан



Ризқ ва эҳтиёжларинингизни талаб қилишни эрталабдан бажаринглар, чунки тонгда баракот ва муваффақият бордир.

Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан.
Ибн Адий ривояти.

Овқатларингизни совутиб енглар, шунда барақа бўллади.

Ибн Адий ривояти.

Оталарингизга яхшилик қилинглар, шунда болаларингиз ҳам сизларга яхшилик қилишади. Аёлларга қарайверманг, шунда сизларнинг аёлингизга ҳам қаралмайди. Кимга узр айтилса-ю, у ўша узрни қабул этмаса, қиёмат куни ҳавзга тушмайди.

Жобир (розияллоҳу анҳо)дан.
Ҳоким ривояти.

“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
“Мунир”нашиёти.
Тошкент—2022.

Она тили ва адабиёт фани ойлиги давом этмоқда

ИЖОДГА МЕХР УЙҒОТИБ...



Мактабимизда “Она тили ва адабиёт” фани ойлиги доирасида “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” мавзусида ижодий-маданий тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда шоир, “Истиқбол йўли” газетаси қошидаги “Ғунча” адабий тўгараги раҳбари Тоҳиржон Ўринов, мактабнинг адабиётга қизиқкан, ижодкор ўқувчилари қатнашдилар.


Ижодий кечада мактабимизда фаолият юритаётган “Нафосат гулшани” тўгараги аъзолари ўзларининг машқларини ўқиб бердилар. Зулфи зар Аҳмадалиева, Нафосат Ҳабибуллаева, Муқаддам Исроилова, Муштарий Исмоилова, Дилнавоз Муродилова, Дилнавоз Исроилоловар Ватан, она тили ва бошқа мавзулардаги машқларини ўқиб, устознинг эътирофига сазовор

бўлдилар, зарур тавсия ва маслаҳатларини олдилар.

Жараёнда Тоҳиржон Ўринов “Ғунча” тўгараги фолиияти ҳақида гапириб, унинг фаолияти, ижодкорлари ҳақидаги фильмни намойиш этди ҳамда ўз ижод намуналаридан ҳавола қилди. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ҳаракат билан туманимизнинг ёш ижодкорлари Фаридахон Юнусова, Шоҳсанам Омонова, МаликаFaғуроваларнинг шеърий китоблари тақдимоти ҳам ташкил этилди.

Ўқувчи ўшлар томонидан тайёрланган қўшик, рақслар тадбирга ўзгача шукух баҳш этди.

Насибахон УМРЗОҚОВА,
32-мактаб ўқитувчиси.



Буюк сиймога таъзим

Ақл-ақлдан қувват олар

ТИЛИНИ БИЛСАНГ, ДИЛИГА ЙЎЛ ТОПАСАН

“Тилни билиш—дилни билиш”, “Тилни бил—дилни билишга йўл очилади”, “Тил топилса, душман ҳам дўст бўлар”, “Тил—дил тилмочи”, “Тил билган навкар—бол билан шакар, тил билмас навкар обрўни тўкар”, “Тил билган йўлда қолмас”, “Қардош тилни билмоқ—қадрдонлик белгиси”. Булар билан ота-боболаримиз киши ўз она тилисини яхши билишидан ташқари ўзга эллар тилини ҳам ўрганиши лозимлигини уқтириб, бунинг аҳамияти катталигини, ўзга эллар тилини билиш—уларнинг дилини билишга, улар билан жавоб-муомала, борди-келди қилиш, дўстона алоқалар ўрнатиш сари йўл очиб беришини қайд этганлар.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.

Билиб қўйган маъқул

ГИЁХЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Турли дармонбаш гиёҳларни чой ўрнида дамлаб ёки улардан қайнатма тайёрлаб ичиш чарвоқни енгизда ва соғ-омон юришда фойда беради.

Бир ошқошиқ қуритиб майдаланган далачой (зверобой)ни 1 стакан қайноқ сувга солинади ва усти ўраб қўйилади, 30 дақиқа туриши керак. Кунига 3 маҳал чорак стакандан 2-3 ҳафта ичилади.

Қуритиб майдаланган 10 грамм баргизуб (подорожник) баргини 1 стакан қайноқ сувга солиб, устини яхшилаб ўраб 30 дақиқа тиндириш керак. Кейин сузуб олиб, кунига 3 марта 2 ошқошиқдан овқатдан 20 дақиқа олдин 2-3 ҳафта ичилади.

Кунига 1-2 марта қарам тузламасининг сувини илитиб ҳар гал 1-2 ошқошиқдан бошлаб, то 0,5 стакангача ичилади.

Экзема, кўздан ёш оқиши, тананинг баъзи жойларига эшакем тошиши сингари ҳолатлар рўй берса, 4 дона пиёзни майдалаб қирқиб, 1 литр совуқ сувга солиб, бир кечада сақлаш керак. Сўнг сузуб олиб сувини кун бўйи оз-оздан ичиш керак. Қўрда пиширилган картошкани ейиш ҳам фойдали. Бундай холларда 10 грамм ялпиз ўтини 0,5 стакан қайноқ сувга солиб, 20-30 дақиқа тиндириб, кунига 3 марта 1 ошқошиқдан ичса ҳам бўлади.

Шунингдек, 1 ошқошиқ мойчечак гулини 1 стакан қайноқ сувга солиб, 20-30 дақиқа тиндириб, кунига 2-3 марта 1 ошқошиқдан ичиш ва пиширилган шолғомни доим истеъмол қилиш ҳам ҳолсизлик ва турли тери тошмаларининг олдини олишида кўмаклашади.

“Сиҳат-саломатлик” журналидан.

Азиз муштари! Ҳафтагономамизда улуғ ажоддларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YOLI

МУАССИС:
ҚўШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош мұхаррір:
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 ғиёвра 12-012 рақами
билин рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
15111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номли маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-йи.
Телефон ва факс:
мұхаррір (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек йўрматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмахонасида 3003
нусхада чоп этилди.
Бахоси келингилган нархда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875
Буюртма № 668
Топшириши вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Хадиҷаҳон КАРИМОВА
ISSN 2010-9253
9 772010 925307